

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ САМАРҚАНД
ФИЛИАЛИ**

“КЕЛИШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети Самарқанд филиали
директори

“ _____ ” _____ 2021 йил

“ _____ ” _____ 2021 йил

**5А 230901 – Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
мутахассислиги магистратура мутахассисликларига кирувчилар учун
махсус (ихтисослик) фанларидан кириш синов**

ДАСТУР

САМАРҚАНД – 2021

АННОТАЦИЯ

Дастур 5230900– Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналишининг 2017/2018 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

Тузувчилар:

Ф.Б.Ахроров– ТДИУ СФ – Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича филиал директори ўринбосари, и.ф.н., доцент.

З.Х.Абдуллаев – ТДИУ СФ – Илмий ишлар ва инновациялар бўйича филиал директори ўринбосари, и.ф.ф.д (PhD).

С.А.Абдивоҳидов – ТДИУ СФ – Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

О.Пардаева – ТДИУ СФ – “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” кафедраси мудири (PhD).

Тақризчилар:

С.Н.Тошназаров - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси мудири, и.ф.д.

А.Алиқулов - Самарқанд ветеринария медицинаси институти “Чорвачилик иқтисодий самарадорлик ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси мудири, и.ф.д., доценти.

М.Холмурзаев – ТДИУ СФ “Рақамли иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби ва ахборот технологиялари” кафедраси мудири, доцент, и.ф.н.

Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиалининг 2021 йил 25 июндаги №11-сонли Ўқув-услугий кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

КИРИШ

Дастур 5А230901 - Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчиларнинг иқтисодий билимлар ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг назарий билимлари ҳамда амалий кўникмаларини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган.

5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши негизидаги 5А230901 - Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича) магистратура мутахассислигига кирувчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан 5 та ихтисослик фанлари бўйича: “Бухгалтерия ҳисоби назарияси”, “Бошқарув ҳисоби” “Молиявий ҳисоб”, “Молиявий ҳисобот” ва “Бюджет ҳисоби” тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида қамраб олган маълумотлар қуйида батафсил келтирилган:

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ НАЗАРИЯСИ фани бўйича:

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг ҳуқуқий ва меъёрий асослари. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги ҳисоб тизими ва ривожланиш босқичлари. Бухгалтерия ҳисоби фанининг предмети, бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва бухгалтерия ҳисобининг тадқиқот усуллари. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари. Бухгалтерия ҳисобининг функциялари. Бухгалтерия ҳисобининг субъектлари ва объектлари. Хўжалик маблағларнинг таркиби ва ишлаб чиқариш жараёнидаги функционал роли бўйича туркумланиши. Ҳисобнинг турлари. Статистик ҳисоб. Оператив (тезкор) ҳисоб. Бухгалтерия ҳисоби. Ҳисоб турларида қўлланиладиган ўлчов бирликлари. Ҳисоб сиёсати ва уни бухгалтерия ҳисобини юритишдаги ўрни. Бухгалтерия балансининг корxonани бошқаришдаги аҳамияти. Бухгалтерия баланси тўғрисида тушунча. Баланснинг турлари. Бухгалтерия балансининг таркибий тузилиши. Бухгалтерия балансининг иқтисодий мазмуни. Бухгалтерия балансини тузишдаги асосий маълумот манбалари. Счётлар тизими ва бухгалтерия баланси моддаларининг ўзаро боғлиқлиги. Бухгалтерия балансига таъсир этувчи асосий омиллар. Хўжалик жараёнлари натижасида балансда рўй берадиган ўзгаришлар. Бухгалтерия ҳисобининг счётлари ва унинг тузилиши. Счётларнинг таркиби ва тайинланиши бўйича туркумланиши. Актив счётлар тўғрисида тушунча. Пассив счётлар тўғрисида тушунча. Балансдан ташқари счётлар. Контрар-актив счётлар. Контрар-пассив счётлар. Икки ёқлама ёзув ва унинг келиб чиқиш тарихи. Икки ёқлама ёзув усуллари ва уларнинг қўлланилиш тартиби. Оддий бухгалтерия проводкаси. Мураккаб бухгалтерия проводкаси. Баҳолашнинг асосий тамойиллари. Хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари ва уларни ташкил топиш манбаларини баҳолаш ва уни амалга ошириш тамойиллари. Калькуляция бухгалтерия ҳисоби усулининг бир элементи сифатида. Харажатларни гуруҳлаш тамойиллари. Баҳолаш ва калькуляциянинг маҳсулот таннархини аниқлашдаги ўрни. Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари. Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатларининг роли ва аҳамияти. Бухгалтерия ҳужжатларининг турлари,

уларни туркумлаш. Хужжатларнинг реквизитлари. Бухгалтерия хужжатларининг таркибий тузилиши ва уларни расмийлаштириш тартиби. Инвентаризация ҳақида тушунча, унинг аҳамияти. “Инвентаризацияни ташкил этиш ва уни ўтказиш” номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС 19-сон)га мувофиқ хўжалик субъектларида инвентаризация ўтказишни ташкил қилиш тартиби. Бухгалтерия ҳисоби регистрларининг турлари, уларни юритиш тартиби. Ҳисоб регистрлари ва уларнинг бухгалтерия ҳисобидаги роли ва аҳамияти. Бухгалтерия ҳисобининг шакллари, уларнинг моҳияти ва тарихий ривожланиши. Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи ҳақида тушунча, унинг аҳамияти ва моҳияти. Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботининг таркиби ва турлари. Ҳисобот шаклларининг тузилиш тамойиллари.

БОШҚАРУВ ҲИСОБИ фани бўйича:

Бошқарув ҳисобининг предмети ва методи. Бошқарув ҳисобининг тарихий шаклланиши ва унинг олдига қўйиладиган вазифалар. Бошқарув ҳисобини бошқарувчиларни иқтисодий ахборотлар билан таъминлашдаги роли. Бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисоби ўртасидаги боғлиқлик. Бошқарув ҳисобининг принциплари. Бошқарув ва молиявий ҳисобнинг ўзаро боғлиқлиги. Харажатлар ҳақида тушунча. Харажатларнинг турли хил белгиларига қараб туркумланиши. Харажатларнинг иқтисодий мазмунига кўра гуруҳланиши. Ишлаб чиқариш харажатларини асосий ишлаб чиқаришлар бўйича ҳисобга олиш. Ишлаб чиқариш харажатларини ёрдамчи ишлаб чиқаришлар бўйича ҳисобга олишни ташкил этиш. Технологик жараёнга қараб ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш. Қўшимча харажатларни ҳисобга олиш. Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар бўйича ҳисобга олишни ташкил қилиш. Жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этиш. Хўжалик юритувчи субъектларда жавобгарлик марказларининг турлари. Маҳсулот таннархи ҳақида тушунча. Ишлаб чиқаришни бошқаришда маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг аҳамияти. Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш тизимлари тўғрисида тушунча. “Стандарт-кост” тизими бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этиш. “Директ-костинг” тизими бўйича харажатларни ҳисобга олиш. Бошқарув қарорлари ва уларни қабул қилиш босқичлари. Ишлаб чиқариш зарарсизлигини таҳлил этиш. Корхоналарда ишлаб чиқариш дастаги самарасини аниқлаш тартиби. Инвестиция лойиҳалари бўйича бошқарув қарорлари қабул қилиш. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш босқичлари. Бизнес таркибини ўзгартириш бўйича қарорлар қабул қилиш. Бизнес таркибини ўзгартириш бўйича қарорлар қабул қилишда бошқарув самарадорлигини баҳолаш. Ривожланган мамлакатларда бизнесни марказлаштирилмаган ҳолда бошқариш тажрибаси. Бюджетлаштириш ва унинг корхона фаолиятини режалаштиришда тутган ўрни. Хўжалик субъектининг технология жараёнлари ва уларда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш. Бош бюджет, унинг таркиби ва тузиш тартиби. Мослашувчан ва статик бюджет, уларни тузиш асослари. Корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш.

Харажатлар ва маҳсулот таннархини режалаштиришнинг хусусиятлари. Ишлаб чиқариш харажатлари бюджетини яратишнинг усуллари. Сегментар ҳисоботнинг моҳияти, аҳамияти ва уни ташкил этиш қоидалари. Корхона сегментар ҳисоботини тузиш шартлари ва тамойиллари. Сегментар ҳисобот жавобгарлик марказлари фаолиятини баҳолашнинг асоси сифатида. Молиявий ва бошқарув ҳисобида бизнес самарадорлигини баҳолашга ёндошувлар. Сегментлар бўйича даромад ва харажатларни аниқлаш. Сегментар ҳисоботларни таҳлил қилиш. Бухгалтерия ҳисобининг Республикамизда ривожланиш йўналишлари. Бошқарув ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш истиқболлари. Бошқарув ҳисобини ислоҳ қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ фани бўйича:

Молиявий ҳисоб фанининг предмети, тадқиқот усуллари ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. Ҳисобни ташкил қилишнинг асосий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятилари. Ҳисоб сиёсати ва уни юритишнинг ўзига хос жиҳатлари. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизимининг концептуал асослари. Банкдаги ҳисоб-китоб, валюта счётини очиш ва улар бўйича операциялар ҳисобини юритиш. Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва пасивлар ҳисоби. Банкдаги аккредитив, чек дафтарлари ва бошқа махсус счётлар бўйича муомалаларни акс эттириш. Касса операциялари ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби. Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари ҳисоби. Пул эквивалентлари ҳисоби. Асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиш ҳамда унинг вазифалари. Асосий воситаларни туркумлаш. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш тартиби ва усуллари. Номоддий активлар ҳисобини ташкил этиш. Номоддий активларни туркумлаш ва баҳолаш. Номоддий активларни кирим қилиш ва харакатини ҳужжатлаштириш. ТМЗларни кирим қилиш йўллари ва улар харакатини ҳужжатлаштириш. ТМЗларни омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиш. Материалларнинг кирими ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби. Хом-ашё ва материаллар харакати ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби. Материалларни баҳолаш ва уларни ҳисобга олиш тартиби. Товар–моддий захиралар ҳисоби. Материалларни инвентаризация қилиш ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби. Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби. Инвестициялар ҳисобини ташкил қилиш. Инвестицияларни туркумлаш. Қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш муомалаларини ҳисобда акс эттириш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида жорий мажбуриятлар ҳисоби. Кредиторлик қарзлари ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби. Узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисоби. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби. Дебиторлик қарзлари ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби. Суғурта тўловлари ҳисоби. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджетга солиқ тўловлари ҳисоби. Бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби. Бюджетга аванс тўловлари ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби.

Мажбуриятларнинг вужудга келиши ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби. Турли кредиторлик қарзлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби. Турли дебиторлик қарзлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби. Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олиш тартиби. Хўжалик юритувчи субъектларда олинган ва берилган аванслар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби. Муддати кечиктирилган мажбуриятлар ҳисоби. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисоби. Кредит операциялари ва уларнинг ҳисоби. Хўжалик юритувчи субъектларнинг узоқ муддатли активлари ҳисоби. Ижара муносабатлари ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби. Номоддий активларнинг кирими ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби. Меҳнат ва иш ҳақини дастлабки ҳужжатларда расмийлаштириш ҳамда умумлаштириш. Жисмоний шахслар жами даромадлари таркиби. Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби. Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ажратмалар ва тўловлар. Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблашишлар, уларни расмийлаштириш ва фойдаланишни назорат қилиш. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий кўйилмалар ҳисоби. Тайёр маҳсулот ҳақида тушунча ва унинг туркумланиши. Тайёр маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни баҳолаш. Тайёр маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳаракатини ҳужжатлаштириш ва уларни ҳисобга олиш. Товарлар ва савдо устамаларини ҳисобга олиш. Харажатларни тан олиш усуллари ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби. Асосий ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби. Келгуси давр харажатлари ҳисоби. Хусусий капитал ҳисоби. Молиявий натижалар ҳисоби. Молиявий ҳисобот ва унинг таркиби. Молиявий ҳисоботни тузишга тайёргарлик кўриш тартиби (инвентаризация).

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ фани бўйича:

Молиявий ҳисобот ҳақида тушунча, улар аҳамияти ва шакллари. Молиявий ҳисоботларнинг меъёрий ҳуқуқий асослари. Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботининг таркиби ва турлари. Ҳисобот шаклларининг тузилиш тамойиллари. Молиявий ҳисоботни тузишга тайёргарлик кўриш тартиби. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва уларни ҳисобга олиш. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олиш. Молиявий фаолиятдан олиннадиган фойда (зарар)ни ҳисобга олиш. Фавқулодда фойда ва зарарларни ҳисобга олиш. Фойданинг ишлатилиши, якуний молиявий натижа ва тақсимланмаган фойдани (копланмаган зарар) ҳисобга олиш. Бухгалтерия баланси тузилиши ва унинг таркиби. Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва уни тўлдириш. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботни тузиш. Молиявий ҳисобот тузиш ва уни ташкил этиш. Бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг автоном ва интеграллашган усуллари. Ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқаришни ахборот билан таъминлаш. Хўжалик юритувчи субъектларнинг сегментлари бўйича ҳисобот тизимини тузишнинг вазифалари ва босқичи.

БЮДЖЕТ ҲИСОБИ фани бўйича:

Бюджет ҳисоби фанининг предмети ва методи, Бюджет ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятлари. Фаннинг бюджет ижроси соҳасидаги вазифалари. Бюджет ҳисобининг ахборот тизимлари ҳақида тушунча ва уларнинг турлари. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси бўйича бюджет ҳисобини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси бўйича бюджет ҳисобида қўлланиладиган ҳисобварақлар ва бухгалтерия баланси. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромад қисми ижроси ҳисоби. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадларини ижро этиш тартиби. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ижроси ҳисобини ҳужжатлаштириш. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадларини ҳисобварақлар ва ҳисоб регистрларида акс эттириш. Бюджетлараро муносабатлар ва улар ҳисобининг мақсади ҳамда вазифалари. Субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар, дотациялар ҳисоби. Бюджет ссудаси ва унинг ҳисобини хусусиятлари. Бюджет ташкилотларида сметалари таркиби ва уларни шакллантиришнинг хусусиятлари. Бюджет ташкилотларида штатлар жадвали ва уларни тузишнинг хусусиятлари. Бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметасини тузиш тартиби ва уларни ижроси ҳисоби. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш ва улар ижроси ҳисоби. Бюджет ташкилотлари сметалар ҳамда штатлар жадвалини тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш тартиби. Бюджет ташкилотларида товар моддий захиралар ҳисобини ташкил этиш, унинг мақсади ва вазифалари ҳамда хусусиятлари. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва улар кирими ҳисоби. Тайёр маҳсулотни ҳисобдан чиқарилиши ҳисоби. Бюджет ташкилотларида молиявий натижаларни аниқлаш тартиби. Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар таркиби. Бухгалтерия балансини тузиш тартиби. Харажатлар сметаси ижроси ҳақида ҳисоботни тузиш тартиби. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотни тузиш тартиби. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиби. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиби. Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисоботни тузиш тартиби. Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиби. Номолиявий активлар ҳаракати тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиби. Молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда тақдим этиш тартиби. Молиявий ҳисоботларни тузишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

5A230901 - Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича кириш синовии ёзма шаклда ўтказилади. Ҳар бир абитуриент мазкур дастур асосида тузилган саволлардан тушадиган 5 та саволга жавоб ёзади.

Абитуриентларнинг ёзма имтиҳон саволлари бўйича ёзган жавобларини

Балл	Жавоб тавсифи
<p>86 баллдан 100 баллгача (17,2-20)</p>	<p>мазмунан аниқ ёритилган, моҳияти тўлиқ очиб берилган, мантиқий изчил ифодаланган; назарий билимларга асосланган ҳолда тўғри жавоб берилган; мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳлил қилинган ҳамда уларнинг самаралари ва натижалари бўйича мустақил ижодий фикр юритилган; тегишли масалалар бўйича ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси эътиборга олинган; фикр мантиқий кетма-кет баён этилган, савол бўйича тегишли хулосалар чиқарилган; иқтисодий атамалардан тўғри фойдаланилган; ҳуснихати чиройли ва ўзбек тилида хатосиз ёзилган.</p>
<p>71 баллдан 86 баллгача (14,2-17,1)</p>	<p>мазмунан ёритилган, моҳияти очиб берилган, изчил ифодаланган; назарий билимларга асосланган ҳолда яхши жавоб берилган; мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳлил қилинган; тегишли масалалар бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасига муурожаат қилинган; фикр кетма-кет баён этилган, савол бўйича хулосалар чиқарилган; иқтисодий атамалардан тўғри фойдаланилган.</p>
<p>55 баллдан 71 баллгача (11,1-17,0)</p>	<p>мазмунан қониқарли даражада ёритилган; назарий билимларга етарлича асосланмаган ҳолда жавоб берилган; мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар эътиборга олинмаган; савол бўйича тўлиқ бўлмаган хулосалар чиқарилган; айрим иқтисодий атамалар нотўғри қўлланилган.</p>
<p>0 баллдан 55 баллгача (0-11,0)</p>	<p>назарий билимларга асосланмаган ҳолда жавоб берилган; мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга умуман эътибор қаратилмаган; ҳукуқий атамалар нотўғри қўлланилган; савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас; нотўғри жавоб берилган ёки умуман жавоб ёзилмаган ўқув адабиётларидан қонун ҳужжатларидан сўзма-сўз кўчирилган.</p>

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. An Introduction to Accounting Theory, 1st edition. 2016, UWS, Australia
2. Wan Madznah Wan Ibrahim, Mohd Rizal Palil "Fundamentals of business accounting" Oxford university Press, 2014
3. Intermediate Accounting (15th Edition) English, 557 pages, Kieso, Weygandt and Warfield, 2013.
4. Wan Madznah Wan Ibrahim Mohd Rizal Palil "Fundamentals of Business Accounting" 2nd edition Published by Oxford Fajar Sdn. Bhd. Selangor Darul Ehsan, Malaysia 2014.
5. Carl S. Warren, James M. Reeve, Jonathan E. Ducae "Financial and Managerial Accounting" 12th edition, South-Western, Cengage Learning, USA, 2014
6. Анциферова И.В. Бухгалтерский финансовый учет: Учебник. -М.: Дашков и К. 2011. - 556 стр.
7. Камарджанова Н., Карташова И., Бухгалтерский управленческий учет: Учеб пос.-2-е изд. –СПб: Питер, 2008. – 296 с.
8. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. Янги нашр. - Т.: 2011 й. 312 бет.
9. Жўраев Н, Абдувоҳидов Ф, Сотиволдиева Д. "Молиявий ва бошқарув ҳисоби" Дарслик -Т.:2012й 439бет.
10. Абдусаломова Н.Б. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. Т.: 2019 й., 155 б.
11. Холбеков Р.О., Абдусаломова Н.Б., Ташкенбаева З.У., Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма. Т.: 2016 й 192 б.
12. Каримов А.А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик Т.: Шарк, 2004. 590 бет
13. Кулжонов О., Хусинов И., Жуманазаров С. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2018. –237 б.
14. Нарбеков Д., Мисиров К., Ташманов Ғ. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2018. –194 б.
15. Хасанов Б., Ғаниев З., Мухаммедова Д. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2018. –279 б.
16. Каримов А., Курбанбаев Ж., Жуманазаров С., Халилов Ш. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2018. 400 б.
17. Кулжонов О., Ортиқов Х., Югай Л., Тухсанов Х., М.Хайитбоев Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2018. –246 б.
18. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 2004. – 448 б.
19. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби. Маърузалар курси. 1-қисм, Самарканд-2017.
20. Уразов К.Б. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашр.- Т.: «Фан ва технология», 2019. – 540 б.
21. Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020, 564 бет.